

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

Олдинги таҳрирга қаранг.

**«ЎЗБЕКИНВЕСТ ИНТЕРНЕТШНЛ», «CHARTIS UZBEKISTAN» ҚЎШМА СУҒУРТА
КОМПАНИЯЛАРИНИ ВА «AIG UZBEKINVEST» АГЕНТЛИГИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

(қарор номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 декабрдаги 350-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 1-сон, 8-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

«Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Суғурта фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида инвестицияларнинг суғурта ҳимоясини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 1994 йил 13 апрелдаги 206-сон қарорига мувофиқ, мамлакатимиз ва чет эл инвесторларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида суғуртанинг замонавий тизимини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

(кириш қисми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2002 й., 22-сон, 180-модда)

1. «Американ Интернешнл Груп» («АИГ») билан:

Олдинги таҳрирга қаранг.

(1-банднинг «а» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 январдаги ПҚ-1039-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган)

Олдинги таҳрирга қаранг.

б) устав сармойаси 200 минг АҚШ долларини, шу жумладан:

«Ўзбекинвест» улуши — 98 минг АҚШ долларини,

Олдинги таҳрирга қаранг.

АИГ улуши — 102 минг АҚШ долларини ташкил этган «AIG Uzbekinvest» обунавий агентлиги;

(1-банднинг «б» кичик банди учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 декабрдаги 350-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 1-сон, 8-модда)

в) устав сармойаси 2 млн АҚШ доллари бўлган, шу жумладан:

«АИГ» улуши — 1020 минг АҚШ долларини,

Олдинги таҳрирга қаранг.

Миллий банк улуши — 980 минг АҚШ долларини ташкил қиладиган таваккалчиликларидан суғурта қилиш бўйича «Chartis Uzbekistan» масъулияти чекланган жамият суғурта компанияси қўшма корхонаси ташкил этилсин.

(1-банднинг «в» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 317-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2009 й., 52-сон, 564-модда)

2. Қуйидагилар асосий вазифалари этиб белгилансин:

«Ўзбекинвест Интернешнл» компаниясининг Ўзбекистон Республикасига йўналтирилаётган хусусий чет эл инвестицияларини сиёсий таваккалчиликлардан суғуртавий ҳимоя қилишни таъминлаш;

Олдинги таҳрирга қаранг.

«AIG Uzbekinvest» обунавий агентлигининг суғурта шартномаларини экспертиза қилиш ва тузиш бўйича «Ўзбекинвест Интернешнл» компаниясининг агентлиги функцияларини амалга ошириш;

(2-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 декабрдаги 350-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 1-сон, 8-модда)

Олдинги тахрирге қаранг.

«Chartis Uzbekistan» масъулияти чекланган жамият суғурта компанияси қўшма корхонасиники — Ўзбекистон Республикасида суғурта хизматларини кўрсатиш.

(2-банднинг тўртинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 317-сонли [қарори](#) тахририда — ЎР ҚХТ, 2009 й., 52-сон, 564-модда)

Олдинги тахрирге қаранг.

(3-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 январдаги ПҚ-1039-сонли [қарорига](#) мувофиқ ўз кучини йўқотган)

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўзбекинвест Интернешнл» компанияси ва «АИГ-Ўзбекинвест» обунавий агентлигини, рўйхатдан ўтказилгандан кейин 30 кун мобайнида уларнинг устав сармояларига бадаллар суммасининг 5 фоизи миқдоридида дастлабки улуш тўловини ҳамда устав сармоясидаги «Ўзбекинвест» улушини қолганини тенг миқдордаги улушлар билан бир йил мобайнида Республика валюта фонди ҳисобидан тўласин.

Олдинги тахрирге қаранг.

(4-банднинг иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 317-сонли [қарорига](#) асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2009 й., 52-сон, 564-модда)

5. Маълумот учун қабул қилинсинки:

устав сармоясининг тузилмасига мувофиқ «Ўзбекинвест — Интернешнл» компанияси директорлари Кенгашининг 5 аъзосидан 4 нафари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тайинланади;

«Ўзбекинвест Интернешнл» компанияси активларини бошқа стратегияси ва шакллари унинг директорлар Кенгаши томонидан белгиланади.

Олдинги тахрирге қаранг.

(6-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 317-сонли [қарори](#) билан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2009 й., 52-сон, 564-модда)

Олдинги тахрирге қаранг.

7. «Chartis Uzbekistan» масъулияти чекланган жамият суғурта компанияси қўшма корхонасини Тошкент шаҳар, Туроб Тўла кўчаси, 1-уйдаги Халқаро Банк ва Молия Маркази биносига жойлаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи иқтисодий миллий фаолият банки, «Ўзбекинвест» компанияси, етакчи чет эл суғурта компанияларини жалб этган ҳолда, келгусида қўшма суғурта компанияларини ташкил қилиш ишларини давом эттирсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Э.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

(7—9-бандлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 317-сонли [қарори](#) тахририда — ЎР ҚХТ, 2009 й., 52-сон, 564-модда)

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
1994 йил 23 ноябрь,
565-сон